



ANALYSIS OF THE SOURCES OF THE WORK "AL-JAWHARATU-N-NAYYIRA" AND METHOD OF JURISPRUDENTIAL APPROACH

Qosim Abdullo

Doctoral Candidate, International Islamic Academy of Uzbekistan

Specialist, Fatwa Center under the Muslim Board of Uzbekistan

abdulloh_qosim@inbox.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: al-Jawhara al-Nayyira, Abu Bakr Haddad, jurisprudential approach, source analysis, Hanafi fiqh, comparative fiqh, Islamic law, fiqh methodology, classical sources.

Received: 16.09.25

Accepted: 17.09.25

Published: 18.09.25

Abstract: This article analyzes the sources in Abu Bakr Haddad's work al-Jawhara al-Nayyira and examines his methodological approach to Islamic jurisprudence (fiqh) on a scholarly basis. In this work, the author relied on more than 70 different texts and over 60 renowned jurists and scholars. Alongside the main sources of Hanafi jurisprudence, the book also presents the opinions of scholars from other madhhabs, which further enhances its jurisprudential and methodological significance. The study focuses primarily on identifying the most frequently cited sources, analyzing the number of quotations, and their thematic distribution. In addition, the author's attitude towards comparative fiqh, his method of argumentation, and his criteria for source selection are discussed. As a result, the encyclopedic value and methodological features of the work are revealed.

«АЛ-ЖАВҲАРАТУ-Н-НАЙЙИРА» АСАРИ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА ФИҚҲИЙ ЁНДАШУВ УСЛУБИ

Қосим Абдулло

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси докторанти,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Фатво маркази мутахассиси

abdulloh_qosim@inbox.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ал-Жавхарату-н-наййира, Абу Бакр Ҳаддод, фикхий

Аннотация: Ушбу мақолада Абу Ҳаддоднинг “ал-Жавхарату-н-

ёндашув, манба таҳлили, ханафий фикҳи, қиёсий фикҳ, ислом ҳуқуқи, фикҳий методология, классик манбалар.

наййира” асаридаги манбалар таҳлил қилиниб, фикҳий ёндашув услуби илмий асосда ўрганилган. Муаллиф ушбу асарда 70 дан ортиқ турли асарлардан ва 60 дан зиёд машҳур фақиҳ ва уламолардан фойдаланган. Асарда ханафий фикҳига оид асосий манбалар билан бир қаторда бошқа мазҳабларга мансуб олимларнинг фикрлари ҳам келтирилади. Бу эса асарнинг фикҳий ва методологик аҳамиятини янада оширади. Тадқиқотда асосий эътибор асарда энг кўп мурожаат қилинган манбаларни аниқлаш, уларнинг иқтибослар сони ва мавзу бўйича тақсимотини таҳлил қилишга қаратилган. Шунингдек, муаллифнинг қиёсий фикҳга бўлган муносабати, далил келтириш услуби ва манба танлаш мезонлари ҳам кўриб чиқилади. Тадқиқот натижасида асарнинг энциклопедик қиймати ва услубий хусусиятлари аниқлаб берилди.

АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «АЛЬ-ДЖАВХАРАТУ-Н-НАЙИРА» И МЕТОД ЮРИСПРУДЕНЦИАЛЬНОГО ПОДХОДА

Косим Абдулло

Докторант Международной исламоведческой академии Узбекистана

Специалист Фетва-центра при Управлении мусульман Узбекистана

abdulloh_qosim@inbox.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: «аль-Джавхара ан-наййира», Абу Бакр Хаддод, фикҳический подход, анализ источников, ханафитский фикҳ, сравнительный фикҳ, исламское право, фикҳическая методология, классические источники.

Аннотация: В данной статье анализируются источники в труде Абу Бакра Хаддода «аль-Джавхара ан-наййира» и исследуется его методология фикҳического подхода на научной основе. Автор в этом произведении использовал более 70 различных трудов и более 60 известных фақихов и учёных. Наряду с основными источниками по ханафитскому фикҳу, в книге приводятся также мнения учёных, принадлежащих к другим мазхабам. Это значительно повышает фикҳическое и методологическое значение труда. Основное внимание исследования направлено на выявление наиболее часто используемых источников, анализ количества цитат и их распределения по темам. Кроме того, рассматривается отношение автора к сравнительному фикҳу, его метод приведения доводов и критерии выбора источников. В результате

Кириш

Ушбу мақолада Абу Бакр Ҳаддоднинг «ал-Жавҳарату-н-Наййира» асарида фойдаланилган манбалар таҳлили ва унинг фикҳий ёндашув услуби ўрганилади. Тадқиқотнинг асосий мақсади – муаллиф томонидан истифода этилган манбаларни аниқлаш, уларнинг тақсимооти ва қай даражада фойдаланилганини таҳлил қилишдир. Мақоладаги асосий муаммо – асардаги манбалар хилма-хиллиги ва уларнинг фикҳий қарорларга таъсир даражасини илмий жиҳатдан таснифлаш ва баҳолашдир.

Асосий қисм

“ал-Жавҳарату-н-наййира” китоби “Мухтасару-л-Қудурий” асарининг шарҳи ҳамда “ас-Сирожу-л-ваҳҳож” китобининг мухтасари ҳисобланади. “Жавҳара” китобида кўплаб ўринларда “Сирожул ваҳҳож”дан иқтибослар келтирилган.

Муаллиф китоб муқаддимасида куйидагиларни айтади: “Сўнг: Ушбу китоб “Мухтасарул Қудурий”нинг шарҳи бўлиб, уни кўплаб маъно ва музокараларни ўз ичига олган мухтасар лафзлар, равшан иборалар билан жамладим. Китобни қосир фаҳм эгалари, ҳиммати паст бўлганлар учун шарҳладим ва уни “ал-Жавҳарату-н-наййира” деб номладим”.

Айтиш мумкинки, “Жавҳаратун наййира” китоби ҳошия ёки таълиқ китоб эмас, балки “Мухтасарул Қудурий”нинг тўлиқ шарҳи ҳисобланади. Муаллиф унда жуда кўплаб қийматли манбалардан масалаларни нақл қилган.

Китоб қолган шарҳ китобларга нисбатан қисқа шарҳ ҳисобланиб, уни ўртача ҳажмдаги шарҳ китоб дейиш мумкин.

Абу Бакр Ҳаддод ўзининг “ал-Жавҳарату-н-наййира” асарида 70 га яқин манбалардан фойдаланган. Улар орасида энг кўп иқтибос келтирилган асар – бу имом Алий ибн Абу Бакр Марғиноний (511-593)нинг “ал-Ҳидоя шарҳу бидояти-л-мубтадий” асаридир. Имом Ҳаддод ушбу асардан 203 ўринда иқтибос келтирган. Жумладан, поклик китобида 11 та, намоз китобида 20 та, закот китобида 2 та, рўза китобида 2 та, ҳаж китобида 13 та, савдо китобида 13 та, гаров китобида 4 та, ҳажр китобида 3 та, иқрор китобида 7 та, ижара китобида 6 та, шуфъа китобида 3 та, ширкат китобида 3 та, музораба китобида 2 та, ваколат китобида 7 та, кафолат китобида 1 та, ҳавола китобида 1 та, сулҳ китобида 4 та, хиба китобида 5 та, вақф китобида 2 та, ғасб китобида 2 та, иора китобида 1 та, хунаса китобида 2 та, ибоқ китобида 1 та, ерларни ўзлаштириш китобида 3 та, никоҳ китобида 8 та, разоат (бола эмизиш) китобида 1 та, талоқ китобида 4 та, зиҳор китобида 1 та, идда китобида 2 та, нафақа китобида 1 та, итқ (қулларни озод қилиш) китобида 3 та, мукотаб китобида 3 та, жиноят

китобида 2 та, дия китобида 7 та, оқилалар китобида 1 та, ҳад китобида 4 та, ўғрилик ва йўлтўсарлик китобида 3 та, ичимликлар китобида 1 та, ов ва жонликлар китобида 3 та, қурбонлик китобида 2 та, қасамлар китобида 7 та, даъво китобида 3 та, гувоҳлик китобида 6 та, қозининг одоби китобида 1 та, қисмат китобида 2 та, иқроҳ (мажбурлаш) китобида 1 та, сияр китобида 10 та, таъқиқлар ва рухсатлар китобида 4 та ҳамда васият китобида 5 та ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

Масалан, асарнинг поклик китобида шундай келтирилади:

(قَوْلُهُ: وَالسِّيَاطُ (هُوَ سُنَّةٌ مُؤَكَّدَةٌ وَوَقْفَتُهُ عِنْدَ الْمُضْمَضَةِ. وَفِي الْهَدَايَةِ الْأَمْحُ أَنَّهُ مُسْتَحَبُّ

Таржимаси: Мисвок суннати муаккада. Унинг вақти оғиз чайишда. “Ҳидоя”да: “Асаҳх гапга кўра, мисвок мустаҳаб”, дейилган[1].

Имом Забидий асарда “Хўжандийда келишича” деб китобнинг деярли барча мавзуларида иқтибос келтиради. Бу киши “ал-Ҳидоя” асари шарҳи ҳисобланган “Меърожу-д-дироя” ҳамда “ал-Ғоя” китобининг муаллифи Муҳаммад ибн Муҳаммад (ваф. 749 х.й.) бўлиш эҳтимоли катта. Асарда жами ушбу манбадан 138 ўринда иқтибос келтирилган. Жумладан, поклик китобида 10 та, намоз китобида 16 та, закот китобида 3 та, рўза китобида 2 та, ҳаж китобида 11 та, савдо китобида 10 та, гаров китобида 2 та, ҳажр китобида 4 та, иқроҳ китобида 2 та, ижара китобида 3 та, шуфъа китобида 4 та, ширкат ва музораба китобларида 1 тадан, ваколат китобида 3 та, кафолат китобида 2 та, ҳавола китобида 1 та, сулҳ китобида 2 та, ҳиба китобида 2 та, вақф китобида 1 та, ғасб китобида 1 та, лақит, луқата, мафқуд, ерларни ўзлаштириш ва тижоратга изн берилган қуллар китобларида 1 тадан, никоҳ китобида 4 та, разоат (бола эмизиш) китобида 2 та, талоқ китобида 3 та, ражъат китобида 1 та, ийло ва лион китобларида 2 тадан, идда китобида 1 та, нафақа китобида 3 та, мукотаб китобида 3 та, вало, жиноят, дия, ҳадлар, ўғрилик ва йўлтўсарлик, ичимликлар китобларида 1 тадан, қурбонлик китобида 2 та, қасамлар китобида 6 та, даъво китобида 2 та, гувоҳлик китобида 1 та, қозининг одоби китобида 1 та, иқроҳ (мажбурлаш) китобида 1 та, сияр китобида 5 та, таъқиқлар ва рухсатлар ҳамда васият китобларида 3 тадан, фароиз (мерос) китобида 2 та ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

Шунингдек, Ҳаддод асарда имом Забидий “ан-Ниҳоя шарҳу-л-ҳидоя” китобидан ҳам жами 104 та ўринда иқтибос келтирган. Сиғноқий имом Марғинонийнинг шогирди бўлиб, унинг мазкур китоби “ал-Ҳидоя” китобининг илк шарҳи ҳисобланади[2]. Асарда жумладан, поклик китобида 8 та, намоз китобида 28 та, закот китобида 8 та, рўза китобида 2 та, ҳаж китобида 14 та, савдо китобида 11 та, гаров китобида 2 та, ҳажр китобида 1 та, ваколат китобида 6 та, ҳавола китобида 1 та, ҳиба китобида 4 та, никоҳ ва разоат китобларида 1 тадан, талоқ китобида 2 та, ражъат ва ийло китобларида 1 тадан, идда китобида 2 та, дия,

ҳадлар ва қасам китобларида 1 тадан, даъво китобида 2 та, гувоҳлик китобида 5 та ҳамда қозининг одоби китобида 1 та иқтибос келтирилган.

Олим ўз асарида “Ал-Янобе” китобидан ҳам 100 та ўринда иқтибос келтирган. Жумладан, поклик китобида 3 та, намоз китобида 2 та, закот китобида 4 та, рўза китобида 1 та, ҳаж китобида 5 та, савдо китобида 7 та, гаров китобида 1 та, ҳажр китобида 2 та, иқроп китобида 3 та, ижара китобида 3 та, шуфъа китобида 2 та, ваколат китобида 2 та, кафолат китобида 3 та, ҳиба китобида 3 та, вақф ва ғасб китобларида 1 тадан, орият китобида 2 та, лақит китобида 1 та, хунаса китобида 2 та, ерларни ўзлаштириш, музораа, никоҳ, разоат (эмизиш) ва талоқ китобларида 1 тадан, ражъат китобида 3 та, ийло китобида 1 та, зиҳор китобида 4 та, идда ва нафақа китобида 1 тадан, итқ (қул озод қилиш) ва мукотаб китобларида 2 тадан, дия ва оқилалар китобларида 1 тадан, ўғрилиқ ва йўлтўсарлик китобида 3 та, ичимликлар китобида 1 та, ов ҳайвонлари ва жонлиқлар китобида 3 та, қурбонлик китобида 2 та, қасамлар китобида 4 та, даъво китобида 1 та, гувоҳлик китобида 4 та, гувоҳликдан қайтиш китобида 2 та, қозининг одоблари ва қисмат китобларида 1 тадан, сияр китобида 3 та, таъқиқлар ва рухсатлар китобида 2 та ҳамда васият китобида 4 та ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

Асарда “Ал-Фатово” китобидан ҳам 82 та ўринда нақл келтирилган. Хусусан, поклик китобида 14 та, намоз китобида 34 та, закот китобида 7 та, рўза китобида 6 та, ҳаж китобида 3 та, савдо ва ижара китобларида 1 тадан, ваколат китобида 2 та, вақф, вадиъа (омонат) ва ибоқ (қулнинг қочиби кетиши) китобларида 1 тадан, никоҳ китобида 6 та, талоқ, ражъат, нафақа, ҳадлар ва даъво китобларида 1 тадан мазкур асардан иқтибос келтирилган.

“ал-Жавҳара” китобида “Кархий” китобидан ҳам маълумотлар зикр қилинади. Имом Ҳаддод ҳадлар китобида ушбу китобдан нақл қилиб: “Кархийнинг бешинчи жузида шундай келади”, деган. Бундан мурод Кархийнинг мазҳаб китобларига ёзган шарҳлари назарда тутилган бўлса керак. У кишининг “ал-Жомеу-с-сағир”, “ал-Жомеу-л-кабир” ва бундан бошқа китобларга ёзган шарҳлари мавжуд. Жами ушбу китобдан 71 ўринда иқтибослар келтирилган. Жумладан, поклик китобида 1 та, намоз китобида 5 та, закот китобида 1 та, ҳаж китобида 4 та, савдо ва гаров китобларида 2 тадан, ҳажр китобида 1 та, иқроп китобида 2 та, ижара китобида 5 та, шуфъа, ширкат (шерикчилик), ваколат ва кафолат китобларида 1 тадан, сулҳ, ҳиба ва ғасб китобларида 2 тадан, орият ва ибоқ (қулнинг қочиши) китобларида 1 тадан, никоҳ ва талоқ китобларида 3 тадан, ийло китобида 2 та, зиҳор, идда, итқ (қул озод қилиш) ва жинойт китобларида 1 тадан, дия китобида 5 та, ҳад ҳамда ўғрилиқ ва йўлтўсарлик китобларида 2 тадан, ов ҳайвонлари ва жонлиқлар, қурбонлик китобларида 1 тадан, қасамлар китобида 7 та, даъво, иқроҳ (мажбурлаш), сияр китобларида 1 тадан ҳамда васият китобида 1 та ўринда мазкур асардан иқтибос келтирилган.

Асарда яна бир манба – “Шарху-л-Қудурий” китобидан 57 ўринда маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, поклик китобида 2 та, намоз китобида 3 та, закот ва рўза китобларида 1 тадан, ҳаж китобида 2 та, савдо китобида 3 та, гаров китобида 1 та, иқрор китобида 2 та, ижара китобида 3 та, шуфъа ва музораба китобларида 1 тадан, ваколат китобида 2 та, кафолат ва сулҳ китобларида 1 тадан, ҳиба китобида 2 та, вақф, ғасб, орият ва хунаса китобларида 1 тадан, ерларни ўзлаштириш ва никоҳ китобларида 2 тадан, талоқ китобида 4 та, зиҳор, идда, мукотаб, оқилалар ва ҳадлар китобларида 1 тадан, қасамлар китобида 2 та, даъво китобида 6 та, гувоҳлик китобида 2 та, қисмат, иқроҳ (мажбурлаш), сияр ва васият китобларида 1 тадан ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

Асардан яна кўплаб ўринларда манба сифатида фойдаланилган адабиёт “Ал-Мустасфо” (Шарху манзумати-н-Насафий фи-л-хилоф) асари бўлиб, жами ушбу китобдан 42 ўринда нақл келтирилган. Хусусан, поклик ва намоз китобларида 4 тадан, закот китобида 1 та, ҳаж китобида 3 та, ҳажр ва иқрор китобларида 1 тадан, ижара китобида 4 та, шуфъа китобида 2 та, ширкат (шерикчилик), ваколат, сулҳ, ғасб, вадиа (омонат), орият, разоат (эмизиш), идда, нафақа, итқ (қул озод қилиш), жиноят, ов ҳайвонлари ва жонлиқлар, қасамлар, гувоҳлик, қисмат, иқроҳ (мажбурлаш), васият ва фароиз китобларида 1 тадан, гувоҳликдан қайтиш ва сияр китобларида 2 тадан ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

“ал-Жавҳара” китобига манба бўлиб хизмат қилган асарлардан яна бири “Аз-Захира” (“аз-Захирату-л-Бурҳонийя”) китоби бўлиб, бу асар “ал-Мухиту-л-Бурҳоний” асари муаллифи Бурҳонул ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Розийюддин Сарахсий қаламига мансуб. Ушбу асардан жами 40 та ўринда иқтибос келтирилган. Жумладан, поклик китобида 6 та, намоз китобида 5 та, рўза китобида 3 та, ҳаж китобида 1 та, савдо китобида 3 та, гаров китобида 2 та, ҳажр, ижара ва шуфъа китобларида 1 тадан, ваколат китобида 3 та, никоҳ китобида 1 та, талоқ китобида 2 та, ражъат, идда ва ҳад китобларида 1 тадан, ўғрилиқ ва йўлтўсарлик китобида 2 та, гувоҳлик китобида 3 та, қисмат, сияр ҳамда таъқиқлар ва рухсатлар китобларида 1 тадан ўринда мазкур асардан иқтибос келтирилган.

Имом Забидий масалаларни баён қилишда “Ал-Воқеот” китобидан ҳам кенг фойдаланган. Жумладан, поклик китобида 2 та, намоз китобида 3 та, закот, рўза, гаров, иқрор ва кафолат китобларида 1 тадан, ҳиба китобида 2 та, вақф китобида 3 та, вадиа (омонат), орият ва лақит китобларида 1 тадан, никоҳ китобида 2 та, талоқ китобида 3 та, зиҳор ва нафақа китобларида 1 тадан, итқ (қул озод қилиш) китобида 4 та, ҳад ҳамда ов ҳайвонлари ва жонлиқлар, қасамлар китобларида 2 тадан, қурбонлик, ва гувоҳлик китобларида 1 тадан, жами 37 ўринда маълумотлар келтиришда фойдаланилган.

Шунингдек, “Ал-Мабсут” (Шарху-л-кофий ли-л-Ҳоким Шаҳид) китобидан ҳам асарнинг турли ўринларида жами 33 та иқтибос келтирилган. Жумладан, намоз китобида

12 та, закот китобида 1 та, ҳаж ва савдо китобларида 2 тадан, гаров, ҳажр, шуфъа, ваколат, ҳавола, ғасб ва никоҳ китобларида 1 тадан, талоқ ва вало китобларида 2 тадан, жиноят, гувоҳлик ва қисмат китобларида 1 тадан, рухсатлар ва тақиқлар китобида 2 та ўринда мазкур асардан иқтибос келтирилган.

Имом Забидий ҳанафий мазҳабидаги асос китобларидан бири ҳисобланган “Ал-Асл” китобидан ҳам кенг миқёсда фойдаланган. Ушбу манбадан жами 30 та ўринда маълумот келтирилган. Хусусан, намоз, закот ва рўза китобларида 2 тадан, ҳаж, савдо ва гаров китобларида 1 тадан, шуфъа, талоқ, дия, қасамлар, қисмат, рухсатлар ва тақиқлар китобларида 2 тадан, ваколат, ғасб, луқата (топилмалар), итқ (кул озод қилиш), жиноят, ҳад, даъво, гувоҳлик ҳамда васият китобларида 1 тадан ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

“ал-Жавҳара” китобида Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Разийюддин Сарахсий[3] қаламига мансуб “Ал-Важиз” асаридан ҳам 29 та ўринда иқтибос келтиришда фойдаланилган. Хусусан, поклик китобида 6 та, намоз китобида 5 та, закот китобида 2 та, ҳаж китобида 11 та, никоҳ китобида 2 та, идда, нафақа ва васият китобларида 1 тадан ўринда мазкур асардан нақл келтирилган.

Шунингдек, асарда “Ал-Мусаффо мухтасару-л-мустасфо” китобидан ҳам маълумот келтиришда фойдаланилган. Асардан жами 22 ўринда, жумладан, намоз китобида 4 та, никоҳ китобида 5 та, ов ҳайвонлари ва жонлиқлар китобида 2 та, рўза, ижара, қафолат, талоқ, итқ (қулни озод қилиш), мукотаб, вало, ҳад, ўғрилиқ ва йўлтўсарлик, даъва ва гувоҳликдан қайтиш китобларида 1 тадан мазкур асардан нақл келтирилган.

Имом Ҳаддод “Ал-Манзума фи-л-хилофийя” асаридан ҳам фикҳий масалаларни шарҳлашда жами 21 ўринда фойдаланган. Жумладан, намоз китобида 4 та, закот, иқрор, сулҳ, вадиа (омонат), ҳад, ов ҳайвонлари ва жонлиқлар китобларида 1 тадан, никоҳ китобида 4 та, нафақа, ўғрилиқ ва йўлтўсарлик ҳамда даъво китобларида 2 тадан иқтибос келтирилган.

Шунингдек, имом Ҳаддод “Ал-Жомеу-с-сағир” асаридан жами 18 ўринда маълумот келтиришда фойдаланган. Жумладан, намоз китобида 4 та, поклик, рўза, ижара, шуфъа, музораба, ҳиба, луқата (топилмалар), хулу, ҳад, ов ҳайвонлари ва жонлиқлар, қисмат ва сияр китобларида 1 тадан, тақиқлар ва рухсатлар китобида 2 та ўринда иқтибос келтирилган.

“ал-Жавҳара” китобида манба бўлиб хизмат қилган асарлардан яна бири – “ал-Муҳиту-л-Бурҳоний” асари бўлиб, муаллифи Бурҳонул ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Розийюддин Сарахсий. Ушбу асар муаллифининг исми ва вафоти йили борасида уламолар турли фикрларни билдирганлар[4]. Имом Ҳаддод 17 ўринда масалаларни баён қилишда ушбу манбадан жами фойдаланган. Хусусан, поклик китобида 4 та, намоз китобида 7 та,

ҳаж китобида 1 та, ваколат китобида 1 та, ғасб китобида 1 та, талоқ китобида 1 та, кул озод қилиш китобида 1 та ҳамда сияр китобида 1 та ўринда мазкур асардан фойдаланилган.

Бу билан бир қаторда “Шоҳон фи-л-фуру мин мутааллақоти-л-ҳидоя” китобидан ҳам имом Ҳаддод 15 та ўринда маълумот келтиришга фойдаланган. Жумладан, савдо китобида 1 та, ҳажр китобида 1 та, иқрор китобида 1 та, ижара китобида 1 та, ваколат китобида 2 та, кафолат китобида 1 та, ҳиба китобида 1 та, талоқ китобида 1 та, зиҳор китобида 1 та, вало китобида 1 та, қурбонлик китобида 1 та, қози одоби китобида 1 та, қисмат китобида 1 та, иқроҳ китобида 1 та ҳамда васият китобида 1 та ўринда мазкур асардан иқтибос келтирилган.

Абу Бакр Ҳаддод асарда “Ал-Уюн” китобидан ҳам фойдаланган. Бу манбадан ҳам 15 та ўринда маълумот келтирилган. Хусусан, поклик китобида 1 та, намоз китобида 2 та, рўз китобида 1 та, савдо китобида 3 та, ижара китобида 1 та, ваколат китобида 1 та, ғасб китобида 1 та, никоҳ китобида 2 та, идда китобида 1 та, рухсатлар ва тақиқлар китобида 2 та та ўринда мазкур асардан фойдаланилган.

“Фатово Қозихон” китобидан намоз китобида 3 та, закот китобида 3 та, ҳаж китобида 2 та, савдо китобида 2 та, ваколат китобида 1 та, ҳиба китобида 1 та, рухсатлар ва тақиқлар китобида 1 та, жами 13 та ўринда иқтибос келтирилган.

“Ал-Фавоид” асаридан ҳам маълумотлар тақдим қилишда фойдаланилган. Поклик китобида 1 та, намоз китобида 1 та, ҳаж китобида 1 та, ижара китобида 1 та, шуфъа китобида 1 та, кафолат китобида 1 та, ҳадлар китобида 1 та, даъво китобида 1 та ҳамда сияр китобида 3 та ўринда мазкур китобдан иқтибос келтирилган.

Шуниндек, “ал-Жавҳара” китобида “ан-Наводир” китобидан ҳам манба сифатида фойдаланилган. Жумладан, асарнинг поклик китобида 2 та, намоз китобида 6 та ҳамда никоҳ китобида 2 тадан, жами 10 та ўринда маълумот келтирилган.

“ал-Мушкил” китобидан ҳам мавзуларни баён қилишда фойдаланилган. Намоз китобида 1 та, кафолат китобида 1 та, сулҳ китобида 2 та, жиноят китобида 1 та, ов ва жонлиқлар китобида 1 та, қурбонлик китобида 1 та, гувоҳлик китобида 1 та, жами 8 та ўринда ушбу манбадан маълумот келтирилган.

“Муняту-л-мусаллий” асаридан ҳам “ал-Жавҳара” китобида 7 та ўринда – поклик китобида 2 та ҳамда намоз китобида 5 та ўринда иқтибос келтирилган.

Шунингдек, асарда машхур луғат китобларидан бири бўлган “Ас-Сихоҳ фи-л-луға” китобидан ҳам манба сифатида фойдаланилган. Жумладан, поклик, намоз, закот, ҳаж, орият ҳамда сияр китобларида 1 тадан ўринда, жами 6 та маълумот келтириб ўтилган.

Имом Ҳаддод ўз асарида Сайрафийнинг “ал-Изоҳ” китобидан ҳам манба сифатида фойдаланган. Жумладан, поклик китобида 2 та, намоз, закот, рўза китобларида 1 тадан ўринда, жами 5 та иқтибос келтирилган.

Шу билан бир қаторда “ал-Ҳавоший” китобидан ҳам 5 та ўринда маълумот тақдим этишда фойдаланилган. Жумладан, намоз китобида 3 та, ҳаж ва қисмат китобида 1 тадан ўринда иқтибос келтирилган. “Канзу-д-дақиқ” китобидан ҳам асарнинг 4 та ўрнида, жумладан, поклик, закот, никоҳ ва даъво китобларида 1 тадан ўринда маълумот келтиришда фойдаланилган.

“Бадоеу-с-саное фи тартиби-ш-шарое” асаридан ҳам муаллиф Ҳаддод манба сифатида фойдаланган. Жумладан, закот китобида 2 та, хулу китобида 1 та ўринда ушбу манбадан иқтибос келтирилган.

Шунингдек, “ал-Жомеу-л-кабир”, “Хизонату Абу-л-Лайс”, “ал-Фатово аз-заҳирийя”, “ал-Қози”, “ал-Хусомийя”, “ас-Сияру-л-кабир”, “ал-Ғоя”, “ал-Мартаба”, “ал-Масобих”, “ал-Мултақат”, “ал-Имло”, “ат-Таъсис”, “ат-Татимма”, “Тухфату-л-фуқаҳо”, “Жавомеу-л-фикҳ”, “ал-Ҳақоик”, “Хизонату-л-акмал”, “ас-Сирожу-л-ваҳҳож”, “Сунану Абу Довуд”, “Шарҳу-л-иршод”, “Шарҳу-л-манор”, “аш-Шифо”, “Шамсу-л-улум”, “Фатово Самарқанд”, “Фатово Соид”, “ал-Фатово ас-суғро”, “ал-Фатово ал-кубро”, “ал-Қуня”, “ал-Комил”, “ал-Кашшоф”, “ал-Мужаррад”, “Мушкилу-л-Қудурий”, “ал-Муғриб”, “Наводиру Бишр”, “Наводиру Ҳишом”, “ан-Навозил”, “Шарҳу-л-Қудурий” китобларидан ҳам манба сифатида фойдаланилган ҳамда иқтибос келтириб ўтилган.

Натижа

“ал-Жавҳарату-н-наййира” асарида Абу Бакр Ҳаддод иқтибос келтирилган олимларнинг саноғи 60 дан ошади. Улар орасида ҳанафий мазҳаби фақиҳлари билан бир қаторда бошқа мазҳаб уламоларининг ҳам фикрлари келтирилган. Шунингдек, асарда наҳв, луғат фанлари олимларининг ҳам сўзларидан фойдаланилган.

Китобда номи энг кўп бор келтириб ўтилган олим – мазҳаббоши имомлар: Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммадлардан кейин имом Шофеий ҳисобланади. Асарда жами у кишидан 172 та ўринда иқтибос келтирилган. Жумладан, поклик китобида 14 та, намоз китобида 25 та, закот китобида 7 та, рўза, идда, ўғрилик ва сияр китобларида 6 тадан, ҳаж китобида 14 та, никоҳ китобида 10 та, савдо ва гаров китобларида 3 тадан, талоқ, ғасб ва ҳадлар китобларида 5 тадан, ҳажр, иқрор, шуфъа, омонат, разоат (эмизиш), итқ (қул озод қилиш), мукотаб, дия китобларида 2 тадан, ваколат, ҳавола, вақф, хунаса, ийло, хулу, зихор, ичимликлар, қурбонлик, даъво, гувоҳлик ва васият китобларида 1 тадан ўринда олимдан иқтибос келтирилган.

Имом Зуфарнинг қарашлари жами 162 та ўринда келтирилган. Жумладан, поклик ва никоҳ китобларида 13 тадан, намоз китобида 12 та, талоқ китобида 11 та, ҳаж, савдо китобларида 9 тадан, гаров, ҳадя, ҳадлар китобида 6 тадан, қасамлар китобида 5 та, рўза ва идда китобларида 4 тадан, ижара, ваколат, ийло, лион, жиноят ва мажбурлаш китобларида 3 тадан, шуфъа, шерикчилик, ғасб, даъво, гувоҳлик ва сияр китобларида 2 тадан, иқрор, музораба, ҳавола, омонат, орият, топилмалар, разоат, зиҳор, мукотаб, ов ҳайвонлари, қурбонлик китобларидан 1 тадан иқтибос келтирилган.

Бундан ташқари асарда имом Моликнинг сўзларидан 60 та ўринда ҳукмларни баён қилишда фойдаланилган. Жумладан, намоз китобида 15 та, поклик китобида 6 та, ҳаж китобида 5 та, закот, рўза, савдо китобларида 3 тадан, зиҳор, оқилалар, ов ҳайвонлари ва мерос китобларида 2 тадан, шуфъа, ҳавола, топилмалар, хунаса, йўқолган киши, ражъат, лион, жиноят, дия, ўғрилик, қурбонлик, гувоҳлик ва сияр китобларида 1 тадан ўринда иқтибос келтирилган.

Шунингдек, асарда имом Кархийдан жами 33 та ўринда, жумладан, намоз китобида 7 та, талоқ китобида 5 та, поклик, ҳаж китобларида 3 тадан, ҳаж ва шуфъа китобларида 2 тадан, закот, рўза, савдо, гаров, вакиллик, ғасб, орият, никоҳ, хулу, ҳадлар, қасамлар, рухсатлар ва тақиқлар ҳамда васият китобларида 1 тадан иқтибос келтирилган.

Бундан ташқари Абу Жаъфар Таҳовийнинг сўзларидан асарнинг жами 27 та ўринларда фойдаланилган. Жумладан, намоз китобида 5 та, поклик, ҳаж ва ўғрилик китобларида 3 тадан, иқрор ва васиятлар китобларида 2 тадан, закот, рўза, савдо, ерларни ўзлаштириш, эмизиш, талоқ, дия ва даъво китобларидан 1 тадан ўринларда иқтибос келтирилган.

Абу Лайс Самарқандийнинг фикрларидан ҳам жами 22 ўринда, хусусан, намоз китобида 5 та, поклик китобида 3 та, вакиллик, гувоҳлик ва сияр китобларида 2 тадан, савдо, иқрор, ижара, музораа, талоқ, идда, нафақа ва кул озод қилиш китобларида 1 тадан ўринда иқтибос келтирилган.

Абу Бакр Ҳаддод булар билан бир қаторда Шамсул аимма Ҳалавоний, Шамсул аимма Сарахсий, Кархий, Абу Жаъфар Ҳиндувоний, Хоҳарзода, Сайрафий, Тумуртоший, Муҳаммад ибн Фазл, Абул Қосим Саффор, Ибн Шужо Салжий, Шайхул ислом, Абу Бакр Искоф, Ҳасан ибн Зиёд, Журжоний, Нусайр ибн Яҳё, Садруш шаҳид, Иброҳим Нахайй, Фахрул ислом Паздавий, Имом Аҳмад, Исбижобий, Муҳаммад ибн Салама, Абу Ҳафс Кабир, Абу Али Насафий, Суфён Саврий, Муваффиқуддин, Зухрий, Саид ибн Мусайяб, Қозихон, Ибн Абу Лайло, Маккий, Абу Тоҳир Даббос, кичик Паздавий, Баққолий, Нажмиддин Насафий, Ҳасан Басрий, Халаф ибн Айюб, Саид ибн Жубайр, Ибн Шубрума, Товус ибн Кайсон, Исо ибн Аббон, Абу Наср, Абу Наср Даббусий, Абу Зайд Даббусий, Абу

Довуд, Абу Бакр Аъмаш, Ҳаририй, Абул Қосим Балхий, Сирожиддий Ҳомилий, Абу Саид Бирзайи, Абу Саҳл Мусо ибн Нусайр, Заҳируддин Марғиноний, Маҳбубий, Ҳусайн ибн Ҳафс Майдоний, Абу Бакр Жассос, Абу Али Суғдий, Муҳаммад ибн Самоа ва бундан бошқа ўз замонининг машҳур олимларининг фикридан иқтибос келтирган.

Хулоса

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Абу Бакр Ҳаддоднинг “ал-Жавҳарату-н-наййира” асари фикҳий соҳадаги муҳим қомусий шарҳ бўлиб, у “Мухтасарул-Қудурий”га тўлиқ ва мукаммал шарҳ сифатида яратилган.

Абу Бакр Ҳаддод ушбу асарида 70 дан ортиқ турли манбага мурожаат қилган ва 60 дан зиёд олимлардан иқтибос келтирган. Манбалар фикҳ, ҳадис, хилоф, луғат ва наҳв соҳаларига тегишли бўлиб, ханафий мазҳаби асосий урғу бўлгани ҳолда бошқа мазҳаб уламолари фикрларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Муаллиф фақат ханафий мазҳаби ичидаги фикрлар билан чекланиб қолмай, бошқа мазҳаблар, жумладан, шофеий, моликий ва ҳанбалий мазҳаб олимларининг фикрларини ҳам келтиради. Бу эса асарни муқоясавий фикҳ (фикҳий ихтилофлар) нуқтаи назаридан ҳам қимматли манбага айлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Бакр ибн Алий Ҳаддод. Ал-Жавҳарату-н-наййира. Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2006. 1-жилд. – Б. 30.
2. Мустафо ибн Абдуллоҳ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. 2-жилд. Байрут: Дору ихё туроси-л-арабий, 1974. – Б. 2032.
3. Зириклий “ал-Аълум” китобида у кишининг вафоти ҳижрий 571 йилда эканини келтирган. 7-жилд. – Б. 24. Қураший “ал-Жавоҳиру-л-музийя” китобида ҳижрий 544 йилда вафот этганини келтирган. 4-жилд. – Б. 589.
4. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-бахийя фи тарожуми-л-ханафийя. Байрут: Дору-л-Арқам, 1998. – Б. 188. Абул Адл Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожум. Бағдод: Мактабату-л-мусанна, 1962. – Б. 248.)